



НЕФТЬ-ГАЗ БОЗОРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 август куні нефть-газ бозорида барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига углеводород ресурсларини узлуксиз етказиб бериш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда саноат қувватлари кенгайиб, аҳоли эҳтиёжлари ортиб бораётгани табиий газ ва нефть маҳсулотларига талабни оширмоқда. Бундай шароитда ички бозорни зарур ресурслар билан барқарор таъминлаш, мавсумий эҳтиёжларни олдиндан ҳисобга олиш ва нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Тақдимотда нефть ва газ қазиб чиқариш, импорт қилиш, қайта ишлаш, захира-ралаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш ҳолати кўриб чиқилди. Тармоқлар ва ҳудудлар эҳтиёжини аниқ ҳисоб-китоб қилиш, ички талабни устувор таъминлаш ва етказиб бериш графикларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидланди.

“Ўзбекнефтьгаз” акциядорлик жамиятида табиий газ қазиб чиқариш суриятларини барқарор сақлаш, мавжуд конлар имкониятидан самарали фойдаланиш ва янги қудуқларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Август ойида 27 та қудуқни ишга тушириш режалаштирилган. “Янги Қўлтэк”, “Нийёз”, “Қоратау”, “Марварид” ва “Тегирмон” конларидаги ишлар ҳисобига қўшимча 887 минг куб метр табиий газ қазиб чиқариш имконияти яратилади.

Қудуқларни бургилашдан тортиб, уларни газ узатиш тармоғига улашгача бўлган жараёнларни кунлик назоратга олиш, электр таъминоти ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарини ҳомаёб билан бир маромда таъминлаш, мавжуд қувватлардан самарали

фойдаланиш ҳамда ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Углеводород ресурсларини ҳудудларга ўз вақтида ва етарли ҳажмда етказиб бериш, зарур захираларни олдиндан шакллантириш ҳамда ишлаб чиқарувчи, ташувчи ва сотувчи корхоналар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Нархлар барқарорлигини сақлаш учун бозорда етарли таклифни таъминлаш, маҳсулотларни биржа савдоларига талабдан келиб чиқиб чиқариш, ишлаб чиқариш ва логистика харажатларини қисқартириш муҳимлиги таъкидланди. Ресурсларни асоссиз ушлаб туриш, сунъий тақчилликни юзгага келтириш ва нархларни оширишга қаратилган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан назорат ўрнатиш топширилди.

Ички бозорда талаб ва таклиф мувозанатини сақлаш, углеводород ресурслари таъминотида узилишларга ҳамда нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик мақсадида “Ўзбекнефтьгаз” акциядорлик жамиятига нефть ва газ қазиб чиқариш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларини сўзсиз таъминлаш вазифаси қўйилди. Суялтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажминини йил якунига қадар режадаги 520 минг тонна ўрнига 606 минг тоннага етказиш топширилди.

Мутасаддиларга ички бозор эҳтиёжини кунлик таҳлил қилиб бориш, таъминот билан боғлиқ хавфларни олдиндан аниқлаш ва зарур чораларни ўз вақтида кўриш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

МУСТАҚИЛЛИК ВА КОНСТИТУЦИЯ: АДОЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Дунё тамаддуни инсониятнинг минг йиллар давомида шакланган маданий, илмий, ижтимоий ва технологик тараққиётининг яхлит мажмуасидир. Унда ҳар бир халқнинг иродаси билан рўёбга чиқадиган эркин яшаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва миллий тараққиёт йўлини мустақил танлаш мақсади акс этган.



Айни пайтда ушбу мезон доирасида ҳар бир халқ тарихида миллий гурур ва ифтихор билан эсланадиган унутилмас ва буюк саналар бўлади. Бу йил халқимиз 1991 йилдаги тарихий воқеа — Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганнинг 35 йиллик шонли санасини нишонлаш бахтига муяссар бўлиб турибди. Бу давр фуқароларимиз учун ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий давлатчиликни тиклаш ва жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли субъект сифатида ўз ўрнини топиш борасидаги мураккаб, аммо шарафли зафарнома йўли бўлди.

Президентимизнинг 2026 йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ушбу қутлуғ санани янги Ўзбекистоннинг бутунги улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги нуфузига мос юксак даражада нишонлашни таъминлайди. Зеро, мустақиллик халқимизнинг матонати,

аждодлар орзуси ва янги Ўзбекистонни барпо этишдаги эзгу саъй-ҳаракатларимизнинг мустаҳкам асосидир.

Қарорда белгиланган “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!” деган бош ғоя умуммиллий бирдамлик, бунёдкорлик ва келажақ учун муштарак масъулият тимсоли сифатида мустақиллик байрамини янада кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатлик ва катта тараддуд билан қарши олишга ўзинга хос даъват бўлди десак, муволафа эмас.

Ўзбекистон халқи учун истиқлол нафақат давлат суверенитетининг эътирофи, балки миллий давлатчилик анъаналарини қайта тиклаш, халқнинг асрий орзу-интилошларини рўёбга чиқариш ва инсон қадрини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар даврининг бошланиши бўлди.

Тарихий тафаккур шуни кўрсатадики, ҳар қандай мустақил давлатнинг барқарор

тараққиёти, аввало, мустаҳкам конституциявий пойдеворга таянади. Давлат мустақиллиги халқнинг сиёсий иродасини ифода этса, Конституция ана шу иродани ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайдиган, давлат ва жамият ҳаётининг асосий қоидаларини белгилайдиган Бош қонун сифатида майдонга чиқади. Шу маънода, мустақиллик ва Конституция бир-бирини тўлдирувчи, мамлакат тараққиётининг узвий боғлиқ икки стратегик таянчидир.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида ушбу уйғунлик янада чуқур мазмун касб этмоқда. Конституциянинг янги тахрири инсон қадрини энг олий қадрият сифатида эътироф этиб, “инсон — жамият — давлат” тамойилини мамлакат тараққиётининг конституциявий асосига айлантирди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли конституциявий ислохотлар, қонун устуворлиги, ижтимоий давлат тамойилларини

қарор топтириш ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг тўғри ва изчил эканини тасдиқламоқда.

Конституцияда миллий давлатчилик ҳуқуқий асослари сифатида давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, ҳокимиятлар бўлиниши принципи, халқ ҳокимиятчилиги асослари ва давлат суверенитети қабил қатъий белгиланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадрият сифатида эълон қилиниши мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишини акс эттирди. Ўтган даврда конституциявий ислохотлар изчил равишда амалга оширилди: давлат бошқаруви модернизация қилинди, ҳокимиятлар бўлиниши принципи такомиллаштирилди, суд ҳокимиятининг мустақиллиги босқичма-босқич мустаҳкамланди.

Давоми 3-бетда

СУЛТОН РАЕВ: “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЎЗИНИНГ ТИЗИМЛИЛИГИ, МУВОЗНАТИ ВА ЮҚОРИ МОСЛАШУВЧАНЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР”

Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) бош котиби Султон Раев Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида “Дунё” АА мухбирига эксклюзив интервью берди.

— Жаноб бош котиб, Янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислохотлар бошланганига 10 йил бўлмоқда. Ушбу давр натижаларини қандай баҳолайсиз ва мамлакатда рўй берган қайси ўзгаришлар, сизнингча, энг аҳамиятли ҳисобланади?


— Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги янги Ўзбекистон ислохотларининг ўн йиллиги — бу нафақат изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даври, балки давлат ва жамият ҳаётининг мутлақо барча жабҳаларини қамраб олган ҳақиқий тарихий уйғониш — Учинчи Ренессансдир.

Минтақамиздаги жараёнларни кўп йиллардан буён кузатиб келаётган маданият арбоби, ёзувчи ва дипломат сифатида ишонч билан айта оламаники, донишманд

аждодларимиз томонидан икки буюк уйғониш даври — IX-XII асрлардаги Биринчи Ренессанс ҳамда XIV-XV асрлардаги Иккинчи — Темурийлар Ренессанси шаклида яратилган шонли тарихий-маданий меросга таяниб, Ўзбекистон очкичлик, модернизация ва етакчилик сари улкан сифат сакрашини амалга оширди.

Бу саъй-ҳаракатлар шарофати билан бутунги кунда биз ушбу қардош мамлакат ва жамиятда яна бир муҳим уйғониш жараёни юз бераётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бунда “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари содир бўлаётган воқеликни тўла акс эттириб, янада улугвор мақсадлар сари илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Давоми 2-бетда



ЭЛЛИК ЙИЛЛИК СОЛИҚ ИМТИЁЗИ

Тошкент халқаро молия маркази тўғрисидаги конституциявий қонуннинг ҳуқуқий кафолатлари

Ўзбекистон кейинги йилларда инвесторлар учун очик мамлакатга айланди. Бу фақат сармоядорларга берилаётган кенг имконият, янгидан янги имтиёзлар билан боғлиқ эмас. Аввало, мамлакат ичида эркин ишлаш учун қулай ва ишончли муҳит яратилгани хорижлик инвесторларни юртимизга фаол чорламоқда. Ана энди уларнинг ҳуқуқий кафолатлари конституциявий қонун билан ҳам ҳимояланади.

Жорий йил 13 июль куні Президентимиз “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги конституциявий қонунни имзолади. Бу нафақат чет эллик инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат, балки мамлакатимиз иқтисодий ҳаёти, ҳуқуқий тизими, маҳаллий тадбиркорлар фаолиятидаги

тарихий воқеа, юқори мақомга эга ҳужжат сифатида қабул қилинди. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон майдонидаги ўрнини янада мустаҳкамловчи муҳим қадам сифатида баҳоламоқда.

Давоми 4-бетда



ИЛМ-ФАН ЧЕГАРАЛАРНИ ТАН ОЛМАЙДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислохотлар халқаро академик ҳамжамият томонидан катта қизиқиш ва юксак эътироф билан кузатилмоқда. Айниқса, олий таълимдаги очкичлик сиёсати, таълим сифатини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда университетлар ўртасидаги шериклик муносабатларини кенгайтириш борасидаги ишлар Ўзбекистонни минтақанинг муҳим таълим марказларидан бирига айлантирди.

Давоми 5-бетда



Қисқача айтганда, мамлакатимиздаги буюк ихлошлар нафақат замонавий ва қудратли давлат, балки юксак инсоний қадриятларга таянган адолатли жамият барпо этишга қаратилган ва узоққа мўжлаланган, орта қайтмас миллий танловдир.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги ана шу тарихий танлов, миллий бирдамлик ва бунёдкорлик иродасининг ёрқин тилсимдори. Бу сана биздан истихлол неъматларини қадрлаш билан бирга Конституция устуворлиги, инсон қадри ва Ватан тараққиёти учун янада қатъий масъулият билан меҳнат қилишни талаб этади.

Бугун бизни бирлаштирадиган энг буюк куч — ягона Ватан тақдири учун ягона халқ бўлиб, масъулиятни зиммага олиши иродасидир. Мустақил Ўзбекистонимизнинг байроғи хамиша баланд, осмонни мусатфо, халқимизнинг бахту иқболи абадий бўлсин!

Тошкент халқаро молия маркази тўғрисидаги конституциявий қонуннинг ҳуқуқий кафолатлари



Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда табиий савол туғилади: давлат нима учун бу масалани оддий қонун, ҳукумат қарори билан эмас, балки айнан энг олий юридик кучга эга конституциявий қонун орқали мустаҳкамлашни маъқул кўрди? Ийрик халқаро капитал — инвестиция фондлари, трансмиллий банклар, суверен фондлар маблагни узоқ муддатга йўналтираётганда, энг аввало, давлатнинг ўз сўзида қанчалик собит туриши мумкинлигини баҳолайди. Оддий қонун ёки ҳукумат қарори кейинги йиллардаги жадал ислохотларда талаб ва тақлифга қараб нисбатан осон ўзгартирилиши мумкин. Бу эса ўнлаб йилга мўлжалланган инфратузилма ва молиявий лойиҳалар учун қўшимча ноаниқлик омилини сақлаб қолади. Конституциявий қонун эса марказга берилган кафолатларни энг юқори юридик даражада мустаҳкамлаб қўяди. Иқтисодчилар таъбири билан айтганда,

инвестор учун ҳуқуқий рискнинг пасайиши капитал қийматининг арзонлашиши демакдир.

Суверен рейтинг ва капитал қиймати

Янги Ўзбекистондаги жадал ислохотлар жараёнида қонунлар кўп жорий қилиниши табиий ҳол. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳам тасодиф эмас. У мамлакатнинг халқаро молия бозорларидаги ишончи изчил ортиб бораётган даврга тўғри келди.

2025 йил май ойида АҚШнинг “S&P Global Ratings” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини “BB-” даражасида тасдиқлаб, прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га кўтарганди. Шу йил июнида халқаро “Fitch Ratings” рейтингни бир поғонага — “BB-”дан “BB+”гача оширди. Жорий йил июнь ойида эса прогнозни “барқарор”дан “ижобий”га яна кўтарди. Бу йил 25 июнда “Moody’s Ratings” агентлиги ҳам рейтингни “Ba3”дан “Ba2”гача кўтариб, прогнозини “ижобий”дан “барқарор”га ўзгартирди.

Молиявий нуктаи назардан қараганда бундан ҳам муҳимроғи — ана шу жадал халқаро трансформация жараёнида Ўзбекистоннинг иккиламчи бозордаги халқаро облигациялари даромадлилиги пасайиб борагани кўринади. Суверен еврооблигациялар бўйича даромадлилиқ ўтган йилнинг 22 майидаги 6,89 фоиздан жорий йил 10 июнига келиб 5,43 фоизгача, корпоратив облигациялар бўйича 7,63 фоиздан 6 фоизгача, банк облигациялари бўйича эса 8,15 фоиздан 6,21 фоизгача қисқарган. Бошқача айтганда, мамлакат учун қарз олиш харажати сезиларли даражада пасаймоқда. Бунга давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбати 32 фоиз атрофида сақланиши ва захира буферининг 49,7 миллиард долларга етгани ҳам қўмаклашяпти.

Тошкент халқаро молия маркази тўғрисидаги конституциявий қонун худди шу тенденцияни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган институционал омилга айланади.



Яъни таҳлилларда рейтинг агентликлари макроиктисодий баҳолаш кўрсаткичларидан ташқари ҳуқуқий-институционал барқарорлиқни ҳам ҳисобга олади. Марказга берилган конституциявий даражадаги кафолатлар буни мустаҳкамлайди.

Тошкент халқаро молия маркази ички капитал бозори ислохотидан ажралган ҳолда эмас, айнан шу ислохотларнинг узвий давомий сифатида шаклланимоқда. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида банк тизими активларида хусусий сектор улушини жорий йил якунига қадар 60 фоизга етказиши вазифаси белгиланган. Бироқ бу мақсадга эришиш учун ҳали сезиларли ишлар қилиниши лозим. Чунки ўтган йил 1 октябрь ҳолатига кўра, тизимли аҳамиятга эга банклар мамлакат банк активларининг қарийб 64 фоизини шакллантирган. Халқаро валюта жағғармаси ҳисоб-китоблариغا мувофиқ, банк активларида давлат улуши 63 фоизни ташкил этётгани ўртача даромадли мамлакатлардаги 23 фоизли ўртача кўрсаткичдан деярли уч баробар юқори эканини аниқлатади.

айлантиришда намоён бўлади. Бироқ бундай нозик ва узоқ муддатли туташтирувчи вазифани оддий қонун ёки тартибга солувчи ҳужжат эмас, айнан конституциявий қонун ҳал этиши мантиканан асосли. Бунда деривативлар ва сукукаби мураккаб молиявий воситаларга ишонч фақат қондаларнинг йиллар давомида ўзгармаслигига кафолат берилганда шаклланади. Кафолатни эса энг юқори юридик куч берадиган ҳужжатдан бошқа ҳеч нарса таъминлай олмайди.

Солиқ имтиёзининг фискал-молиявий баланси

Тошкент халқаро молия маркази иштирокчилари учун 2076 йил 1 январгача — деярли эллик йилга мўлжалланган солиқ имтиёзига молиявий нуктаи назардан фискал харажат сифатида қаралиши лозим. Бу бюджет йўқотадиган солиқ тушуми, инвестор учун эса келгуси пул оқимини узоқ муддатта ишончли ҳисоблаш имконини берувчи активдир. Бундай узоқ муддатли имтиёзнинг молиявий асослангани фақат бир мезон билан текширилади — жалб қилинган хусусий капитал, очилган иш ўрни ва молиявий хизмат экспортдан келадиган билвосита солиқ тушуми йўқотилган тўғридан тўғри солиқ тушумидан узоқ муддатли истиқболда ортиб кетиши керак.

Расмий прогнозларга кўра, 2030 йилга қадар марказ орқали 20-25 миллиард доллар қўшимча инвестиция жалб қилиниши, ялпи ички маҳсулот йиллик қўшимча 1 фоизгача ўсиши ва 15 мингтагача юқори малакали иш ўрни очилиши кутилмоқда. Бу рақамлар молиявий нуктаи назардан таҳлил қилинганда эллик йиллик имтиёзнинг “нархи” — йўқотилган солиқ тушуми фақат жалб қилинган капитал ҳажми доимий равишда мониторинг қилиниб, реал натижага айланганда ўзини оқлайди. Акс ҳолда, солиқ имтиёзи давлат

учун узоқ муддатли фискал юкка айланиши хавфи сақланиб қолади.

Шу боис, молиявий таҳлил адабиётида бундай узоқ муддатли институционал имтиёзлар кўпинча реал опцион (real option) сифатида баҳоланади. Уларнинг қиймати бутунги эмас, келажакдаги мавҳумлик даражаси пасайгани сайин ортиб борадиган активдир. Худди шу мулоҳаза конституциявий қонун танловиинг молиявий изохини ҳам беради. Эллик йиллик имтиёз ваъдаси агар у оддий қонун даражасида қолганида, инвестор назарида ҳар гал ҳукумат билан қайта музокара қилиниши мумкин бўлган шартли ваъда сифатида қолар эди. Конституциявий мақом эса айнан ушбу муддатнинг ишончилигини, демак, реал опционнинг молиявий қийматини ҳимоя қилувчи восита вазифасини ўтайди.

Гап Тошкент халқаро молия марказининг тўлов балансига таъсири ҳақида борганида эса, бу бир қанча омилларда намоён бўлиши мумкин. Биринчиси — тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва портфель инвестициялари ҳажмининг ортиши бўлса, иккинчиси молиявий хизмат экспорт қўламининг кенгайишидир. Осиё тараққиёт банки билан 2030 йилгача мўлжалланган дастур лойиҳалари учун жами 12,5 миллиард доллар ажратишга оид шериклик шартномаси имзолангани ҳам айни йўналишдаги институционал ҳамкорлик кенгайишдан далолат беради. Шу билан бирга, капитал ҳисобининг тезкор очилиши макромолиявий барқарорлик учун хавфларни олиб келиши мумкин. Масалан, рақамли активлар ва трансгегаравий капитал ҳаракати эркинлашуви даражасида “қайноқ пул” (hot money) оқимининг беқарорлиги, шунингдек, банк тизимидаги давлат улушининг ҳамон юқорилиги (63 фоиз) шартли фискал мажбуриятлар хавфини сақлаб қолмоқда.

Конституциявий қонун капитал оқими эркинлиги билан молиявий хавфсизлик ўртасидаги мувозанатни институционал жиҳатдан мустаҳкамлайди. Мазкур қонунда мустақил регулятор ва Тошкент халқаро тижорат судининг ваколатлари энг юқори юридик даражада белгилангани келгусида ҳукумат таркиби ёки сиёсати ўзгарса ҳам назорат механизмининг барқарор қолишига хизмат қилади.

Демак, Тошкент халқаро молия марказининг конституциявий қонун асосида ташкил этилиши молиявий нуктаи назардан қараганда алоҳида ҳуқуқий воқеа эмас, у мамлакатнинг суверен рейтингни ошиши, капитал бозори ислохоти ва тўлов баланси мустаҳкамлаши каби бир вақтда кечаётган макромолиявий жараёнларнинг институционал яқунловчи бўғини. Қонуннинг ҳақиқий молиявий самараси унинг матнида эълон қилинган мақсадлар билан эмас, келгуси йилларда мамлакат ички капитал бозорининг ялпи ички маҳсулотга нисбати ва банк тизимидаги хусусий сектор улуши қанчалик ортиши билан ўлчанади.

Пироваддада на солиқ имтиёзи, на инфратузилма, балки айнан Конституциявий макомнинг ўзи халқаро инвестор учун энг қимматли активга айланиши мумкин. Чунки бошқа барча шартлар ўзгарувчан бўлса-да, энг юқори юридик кучга эга ҳужжатда мустаҳкамланган қондалар барқарор қолади.

Долзарб мавзу



Баъзан жамиятдаги катта иқтисодий жараёнларни тушуниш учун мураккаб рақамлар ёки ортықча ҳисоб-китобларга эмас, оддий ҳаётий ҳолатларга назар ташлашнинг ўзи кифоя қилади. Бугун бозорда ёки ижтимоий тармоқларда гўшт нархи ҳақидаги муносабатларга беихтиёр кўзимиз тушади. Кимдир нархлар ошганидан хавотир билдиради, яна кимдир бириндир ортида чорвадорнинг ошиб бораётган харажатлари, озуқа ва парвариш билан боғлиқ муаммолар борлигини таъкидлайди.

Аммо бир килограмм гўштининг қиймати ортида оддий харидор кўзи илғамайдиган бутун бир тизим бор. Унда чорвадорнинг йиллик меҳнати, озуқа базаси, наслчилик ишлари, ветеринария хизмати ва соҳа олдидан турган муаммолар муҳассас. Шунинг учун гўшт нархи ҳақидаги ҳар қандай муҳокама аслида янада кенгроқ масалани — мамлакатнинг ўз аҳолисини сифатли ва барқарор озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини ўртага қўяди.

Сўнгги йилларда дунёда кечаётган жараёнлар шу ҳақиқатни тасдиқламоқда. Геосиёсий зиддиятлар, логистика занжирларидаги узил-ишлар, иқлим ўзгариши ва жабон бозорларидаги беқарорлик озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар қандай давлат учун стратегик масала эканини кўрсатади. Бугун ички ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлашдан туриб иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш қийин.

Ўзбекистонда аҳоли сони ўсиши, шаҳарлашув жараёнида жадаллашуви ва истеъмол талаби ортиши чорвачилик ва паррандачилик соҳаси олдига янги вазифаларни қўймоқда. Энди гап фақат маҳсулот ҳажмини ошириш билан чекланиб қолмай, замонавий технологияларга асосланган, юқори

самарадор ва рақобатбардош аграр тизимни шакллантириш ҳақида бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 5 август куни чорвачилик ва паррандачилик тармоқларини ривожлантириш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишиши жараёнида муҳим масалалар ўртага ташланди.

Аввало, чорвачилик ҳақида сўз юритганда, унинг аҳамиятини фақат мол сони ёки ишлаб чиқариш ҳажми билан ўлчаб бўлмайди. Бу соҳа бозордаги нархлар барқарорлиги, қишлоқ аҳолисининг даромади, янги иш ўринлари ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги билан узвий боғлиқ. “Занжирнинг мустаҳкамлиги унинг ҳар бир бўғинига боғлиқ”, дейишди. Чорвачиликда ҳам натижа озуқа базаси, наслчилик, ветеринария, технология ва меҳнат самарадорлиги каби омиллар уйғунлигига қараб белгиланади.

Мамлакатимизда гўшта йиллик талаб 2 миллион 150 минг тоннани ташкил этаётган бир пайтда ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллион 600 минг тонна атрофида қолмоқда. Шу боис, асосий вазифа маҳсулот ҳажмини

ошириш билан чекланмайди. Гап замонавий технологияларга таянган, юқори самарадор ва рақобатбардош ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш ҳақида бормоқда. Чунки замонавий чорвачиликда устуңлик мол сонидан кўра ҳар бир бош чорвадан олинаётган маҳсулдорлик, сифатли насл, мустаҳкам озуқа базаси ва илгор усулларни қай даражада жорий этиш билан белгиланади.

Соҳадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим йўналишлардан бири. Фаолияти тўхтаб қолган 103 та чорвачилик корхонасини қайта тиклаш режаси бу борадаги муҳим ташаббус бўлди. Айтайлик, чекка ҳудудлардан бирида йиллар давомида фаолият кўрсатган, аммо молиявий қийинчиликлар сабаб ишлаб чиқариш тўхтаган чорвачилик мажмуаси қайта ишга туширилиши фақат бир корхонанинг тикланишигина эмас, ўша ҳудудда янги иш ўринлари пайдо бўлиши, чорвадорлар учун бозор шаклланиши, озуқа етиштиришдан тортиб, қайта ишлашгача бўлган бутун занжир ҳаракатга келиши демакдир.

Шу нуктаи назардан, корхоналарнинг қарз юқини енгиллаштириш, уларни ўн йиллик муддат асосида тўлаш имкониятини яратиш, озуқа базаси учун ер ажратиш ва насли чорва билан таъминлаш бўйича тақлифлар оддий молиявий ёрдамгина эмас, ишлаб чиқариш салоҳиятини қайта тиклашга қаратилган тизимли чора сифатида намоён бўлади. Натижада 33 минг бош қорамол парвариш қилиниб, йилга 12 минг тонна гўшт ва 40 минг тонна сут ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Чорвачилик ривожига ҳақида гап кетганда, фақат йирик фермер хўжаликлари ёки саноат миқёсидаги лойиҳалар билан чекланиб бўлмайди. Ўзбекистон чорвачилигининг катта таянчларидан бири минглаб хонадонлардаги

мавжуд имконият ва тажрибадир. Чунки хонадонда боқилаётган ҳар бир бош чорва нафақат оила эҳтиёжи, балки худуд иқтисодий фаоллигининг бир қисми ҳамдир. Бугун 191 тумандаги чорвачиликка ихтисослашган 2407 маҳаллада мавжуд 823 минг хонадонда 3,9 миллион аҳоли истиқомат қилаётгани соҳанинг ижтимоий аҳамиятини яққол кўрсатади. Бу маҳаллаларда чорвачилик кўплаб оилалар учун қўшимча даромад манбаи, меҳнат ва тадбиркорлик имконияти сифатида шаклланган.

Бироқ хонадонлардаги мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш учун тизимли ёндашув зарур. Чорва парваришида асосий тўсиқлардан бири сифатли насл, эрзон ва барқарор озуқа таъминоти, ветеринария хизматлари ҳамда маҳсулотни бозорга чиқариш имкониятларининг етарли эмаслигидир. Шу боис, хонадонларга эрзон чорва моллари етказиб бериш, ситирларни сунъий усуллар асосида кўпайтириш, ем-хашак таъминотини яхшилаш, зооветеринария хизматларини ривожлантириш ва насли бўзоқларни ҳисобга олиш тизимини йўлга қўйиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланимоқда.

Чекка ҳудудлардаги оддий бир хонадон мисолида оладиган бўлсак, маҳсулдор чорвага эга бўлиш оила учун нафақат қунадлиқ эҳтиёжни таъминлаш, балки барқарор даромад манбаини яратиш имконини беради. Агар бундай имконият минглаб хонадонларда кенгайтирилса, бу ҳудудларда иқтисодий фаоллиқни оширадиган муҳим омилга айланади.

ГЎШТ НАРХИНИ МУЪТАДИЛЛАШТИРИШ УЧУН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА?



Соҳа ривожига хорижий тажрибадан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Режалар асосида Ўзбекистондан 150 минг бош қўй, Хитой ва Европа давлатларидан 100 минг бош насли қорамол, Беларусдан эса 2 минг бош мол олиб келиш кўзда тутилмоқда. Қўрилган чоралар орқали йилга қўшимча 44 минг тонна гўшт ишлаб чиқариш имконияти яратилиши кутилмоқда.

Бироқ ҳар қандай ташқи тажриба маҳаллий шароитга мослаштирилгандагина самара беради. Шунинг учун асосий вазифа кенгаётган имкониятларни ўзлаштириш, илгор усулларни амалиётга жорий этиш ва миллий чорвачилик салоҳиятини оширишдан иборат.

Айни жараёнда рақамли технологияларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Чунки катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлилларсиз самарали бошқариш қийин. Шу нуктаи назардан, фермерлар ва аҳоли учун жорий этилаётган “Smart Farmet” рақамли ёрдамчиси соҳада янги имкониятлар очилиши мумкин.

Ушбу тизим орқали чорвани идентификация қилиш, ветеринария хизматларидан фойдаланиш, озиқлантириш ва йилловларни бошқариш бўйича маълумот олиш имконияти яратилади. Энг муҳими, рақамлаштириш соҳада аниқ ҳисоб, шаффофлик ва самарадорлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Чорвачилик билан бир қаторда паррандачилик ҳам озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим йўналишларидан бири. Ушбу соҳанин афзаллиги шундаки, қисқа вақт ичида маҳсулот ҳажмини ошириш имконияти мавжуд. Аммо бунинг учун фақат ишлаб чиқаришни кўпайтириш эмас, балки озуқа базаси, қайта ишлаш ва сақлаш тизимларини ҳам ривожлантириш талаб этилади.

Шу мақсадда паррандачилик соҳасида умумий қиймати 432 миллион доллар бўлган лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Улар орқали 2028 йилга қадар қўшимча 100 минг тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш, озуқа ишлаб чиқариш қувватларини 3,3 миллион тоннага етказиш ва замонавий сўйиш тизими қамровини кенгайтириш мақсад қилинган.

Соҳанинг барқарор ривожига эса бутун занжирнинг бир маромада ишлашига боғлиқ. Наслчилик, озуқа таъминоти, ветеринария, қайта ишлаш ва сотув тизими ўзаро уйғун бўлсагина кутилган натижага эришиш мумкин. Шу боис, Ўзбекистон чорвадорлар уюшмасини ташкил этиш ташаббуси ҳам муҳим қадамдир. Чунки уюшган тизим фермер ва тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоялаш, илмий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш ва тармоқдаги муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини беради.

Аслида, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришдан кўзланган мақсад фақат гўшт ва сут ишлаб чиқаришнинг кўпайтириши эмас. Бу қишлоқ аҳолиси учун барқарор даромад манбаларини яратиш, ички бозорни мустаҳкамлаш ва иқтисодиётда янги қиймат занжирларини шакллантириш вазифасидир. Фермер ўз меҳнатидан манfaat кўрса, хонадон эгаси чорвачилиқни даромад манбаи айлантира олса, истеъмолчи сифатли маҳсулот билан таъминлансагина соҳадаги ўзгаришларнинг мазмуни намоён бўлади.

Шу маънода, чорвачилик ва паррандачилик соҳасида қилинаётган ишлар бутунги эҳтиёжга жавоб бериш билан бирга мамлакатнинг келажак озиқ-овқат барқарорлиги учун мустаҳкам асос яратмоқда. Зеро, дастурхон тўқилиши ортида минглаб инсонлар меҳнати, самарали иқтисодий тизим ва оқилона давлат сиёсати уйғунлиги туради.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Ўзбекистон билан танишувим ўтган асрнинг 80-йилларига бориб тақалади. Илк бор 1980 йилда талаба сифатида Ангрен шаҳрида амалий машғулотларда бўлганман. Ўша сафар менда нафақат кончилик ишлаб чиқариши, балки ўзбекистонлик мутахассисларнинг касбига садоқати ва меҳмондўстлиги катта таассурот қолдирган эди.

КЎЗГУ

2026 йил 12 август, 162-сон

ИЛМ-ФАН чегараларни ТАН ОЛМАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Бу жараён халқаро ҳамкорлик учун мутлақо янги имкониятларни очмоқда. Хусусан, қўшма таълим дастурлари, академик мобиллик, икки дипломли дастурлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, илмий консорциумлар ҳамда инновацион лойиҳалар кўпайиб бораётгани юртимизнинг глобал таълим маконидagi ўрни тобора мустаҳкамланаётганидан далолат. Буни халқаро экспертларнинг бераётган юқори баҳоси, билдирилаётган ҳолис ва ҳаққоний фикрлардан ҳам англаб олиш қийин эмас.

Фрайбергдан Қизилқумгача: икки юртни боғлаган маърифат йўли

Карстен ДРЕБЕНШТЕДТ,
Фрайберг техника университети Кончили академияси профессори (Германия):



— Баъзан инсоннинг ҳаёт йўли харитада бир-биридан минглаб километр узоқда жойлашган икки гўша билан чамбарчас боғланади. Мен учун Германиянинг қадимий Фрайберг шаҳри ва Ўзбекистоннинг бепоев Қизилқум ҳудуди ана шундай икки қадрдон маскандир. Бу олис манзилларни кончилик соҳаси ва фаол илмий ҳамкорлик аъёнлари боғлаб турибди.

Ўзбекистон билан танишувим ўтган асрнинг 80-йилларига бориб тақалади. Илк бор 1980 йилда талаба сифатида Ангрен шаҳрида амалий машғулотларда бўлганман. Ўша сафар менда нафақат кончилик ишлаб чиқариши, балки ўзбекистонлик мутахассисларнинг касбига садоқати ва меҳмондўстлиги катта таассурот қолдирган эди. Орадан йиллар ўтиб,

дипломини қўлга киритмоқда. Бу эса ёш мутахассисларга халқаро меҳнат бозорига кенг имкониятлар яратиш билан бирга икки мамлакат илмий мактабларини янада яқинлаштиряпти. Қолаверса, 2023-2026 йилларда ҳамкорликда амалга оширилган халқаро грант, яъни Европа Комиссиясининг “Эрасмус+” (“Олий таълимда салоҳиятни ошириш”) дастури томонидан молиялаштирилган “Эко-кон ва табиий ресурсларни инновацион бошқариш” лойиҳаси ҳам университетлар ўртасидаги академик ҳамкорликда муҳим аҳамият касб этди.

Илм-фан чегараларни тан олмайди: университетлар халқларни яқинлаштирадиган, янги гояларни бирлаштирадиган ва келажақ учун мустаҳкам пойдевор яратадиган масканлардир. Шу маънода, Навоий давлат кончили ва технологиялар университети ҳам Марказий Осиёда тоғ-кон таълимида етакчи илмий-тадқиқот марказларидан бирига айланиб улгурганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ишончим комилки, Фрайберг ва Навоий ўртасидаги илмий кўприк келгуси йилларда янада мустаҳкамланади. Бу ҳамкорлик янги илмий ишланмалар ва инновацияларни юзга чиқариш билан бирга икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончнинг ҳам янги босқичига олиб чиқади. Илм-фан, инновациялар ва халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналиш сифатида давом эттираётган янги Ўзбекистон, шубҳасиз, улкан марраларни эбати этади.

Фрайбергдан Қизилқумгача чўзилган мазкур илм йўли, назаримда, оддий ҳамкорлик эмас. Бу халқларни, аввало, илм, ишонч ва эзгу максалдар бирлаштиришнинг тасдиқловчи ёрқин тинимсодир. Ана шу йўл келажақ авлодлар учун ҳам мустаҳкам, барқарор ва илҳом бахш этувчи кўприк бўлиб қолишига чин дилдан ишонаман.

Янис КУДИНИШ,
Даугавпилс университети ривожланиш бўйича проректори (Латвия):



— Мен фаолият юритаётган университет учун Ўзбекистон билан ҳамкорлик устувор йўналишлардан бири. Биз мамлакатимизда таълим соҳасида яратилаётган қулай муҳит, давлат томонидан хорижий ҳамкорларга билдирилаётган очик муносабат ва инновацияларга интилишни юқори баҳолаймиз. Бу омиллар ўзаро манфаатли шерикликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Замонавий дунёда университетлар нафақат таълим берувчи муассаса, балки инновациялар, илмий тадқиқотлар ва иқтисодий тараққиёт драйвери саналади. Шу нуктага назардан, Ўзбекистонда инсон капиталига қаратилаётган эътибор, ёшларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш ва таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришга қаратилган сиёсат халқаро академик доираларда ижобий баҳоланмоқда.

Хусусан, сунъий интеллект, рақамли технологиялар, муҳандислик, тиббиёт, биотехнология, “яшил иқтисодиёт” ва барқарор ривожланиш каби устувор соҳаларда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд. Университетлар ўртасида қўшма лабораториялар ташкил этиш, илмий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш келажақда юқори натижаларга хизмат қилади.

Биз Ўзбекистон университетлари билан узоқ мuddатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Бу ҳамкорлик фақат таълим билан чекланиб қолмасдан,

фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион стартаплар, саноат билан интеграция ҳамда академик дипломатияни ҳам қамраб олиши лозим.

Ўзбекистон географик жойлашуви нуктаи назаридан катта аҳамиятга эга. Мамлакат Шарқ ва Ғарб, Жанубий Осиё ва Евроосиё, ислом маданияти ва дунёвий илм аъёнлари кескишган ҳудудда жойлашган. Ўзбекистондаги университетлар бу географик устушликни академик кўприкка айлантира олишига ишонамиз. Европалик талаба учун Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиёни ўрганиш, шарқшунослик, археология, иқлим, сув ресурслари



ва минтақаий иқтисодиёт бўйича табиий лаборатория вазифасини бажарса, ўзбекистонлик талаба учун Европа университетлари илмий методология, академик бошқарув ва халқаро тармоқларга чиқиш имконини беради.

Бу йўналишда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида шаклландган ҳамкорлик амалиёти диққатга сазовор. Университет бизнинг Даугавпилс университети билан бир неча йиллардан бери фаол ҳамкорлик қилиб келаяпти. Талабалар ва профессор ўқитувчиларнинг академик алмашинуви

тизмилли йўлга қўйилган, биргаликда халқаро илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг халқаро рейтинглардаги ишторки тобора кенгайиб бормоқда. QS ва Times Higher Education рейтингларида маҳаллий университетлар сони кўпайиб, айрим фан йўналишларида сезиларли натижалар қайд этилмоқда. 2026 йилги QS фанлар рейтингига Ўзбекистоннинг еттига олий таълим муассасаси ўн икки фан йўналиши бўйича ўн бешта позиция олди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети математика, физика ва астрономия, археология, лингвистика соҳаларидаги ютуқлари, айниқса, айрим йўналишлардаги Ўсиш, мамлакатда тарихий илмий мактабларни халқаро майдонга олиб чиқиш имкони борлигини кўрсатади.

Барқарор ривожланиш рейтингларида Ўзбекистон университетларининг кенг иштирок этаётгани ҳам муҳим. 2026 йилда ўнлаб олийгоҳлар THE Sustainability Impact баҳолашида қатнашиб, уларнинг катта қисми дунёнинг мингтаълигига кирди.

Бутунги кунда Европа ва Ўзбекистон университетлари ўртасидаги ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд. Иқлим ўзгариши, сув ресурслари, биохилма-хиллик, қайта тикланувчи энергия, археологик мерос, миграция, рақамли гуманитар фанлар, сунъий интеллект ва таълим технологиялари каби соҳалар икки томон учун ҳам долзарб саналади.

Латвия ва бошқа Болтиқ давлатлари рақамли бошқарув, кичик ва очик иқтисодиёт, кўп тили таълим ва Европа тадқиқот дастурларида иштирок бўйича таърибга тақлиф қила олади. Ўзбекистон эса кўп сонли ёшлар салоҳияти, бой илмий мактаблар ва минтақавий тадқиқот майдонини тақдим этади.

Ишончим комилки, ўзаро ҳўрмат, ишонч ва умумий мақсадларга асосланган ҳамкорлигимиз келгусида янада мустаҳкамланиб, илм-фан, инновациялар ва инсон капитални ривожга муносиб хисса қўшади. Янги Ўзбекистон билан биргаликда билим ва тараққиётнинг янги сифатларини яратиш барчамиз учун шараф.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.



Садоқат СИДДИҚОВА,
Бухоро давлат техника университети ректори

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида эришган ютуқларимиз, натижаларимиз ҳақида сўз борса, биринчи навбатда, билимга, илм-фанга ва инновацияга таянаётган янги авлоднинг шаклланаётганини мамнуният билан қайд этган бўлардим.

Бу жараён эса, энг аввало, бевосита давлатимиз раҳбари томонидан илгари суралган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор максадлари — инсон капиталини ривожлантириш, сифатли таълимни таъминлаш, илм-фан ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг замонавий билим ва касбларни эгаллаш учун кенг имкониятлар яратиш билан чамбарчас боғлиқ.

Айниқса, олий таълимни ривожлантириш, университетларни илм-фан ва ишлаб чиқариш билан янада яқинлаштириш, ёшларни замонавий технологиялар ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш борасидаги ислохотлар “Янги Ўзбекистон — янги имкониятлар” тамойилининг амалий ифодасига айланган.

Ана шу бунёдкорлик жараёнининг ҳудудлардаги муҳим илмий-таълимий таянчларидан бири сифатида Бухоро давлат техника университети алоҳида қайд этиш мумкин. Бугун университетда 15 мингдан ортиқ талаба, 680 нафардан зиёд профессор-ўқитувчи фаолият юритиб, 4 та факультет, 24 та кафедр ва 14 та марказ орқали замонавий муҳандислик, технология, табиий ресурсларни бошқариш, хизмат кўрсатиш, рақамлаштириш ва бошқа истиқболли йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда.

Бугун ушбу даргоҳда амалга оширилаётган ҳар бир ташаббусни мамлакатимизда кечётган кенг қўламли ислохотларнинг узвий давоми сифатида баҳолаш ўринли.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР БИЛАН БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН КЕЛАЖАҚ

реал ҳаётга кириб бориши, технологияга, маҳсулотга ва иқтисодий имкониятга айланишида бўй кўрсатиши лозим. Шу мақсадда мавжуд илмий ишланмаларни тиклоратлаштиришнинг самарали механизми сифатида 8 та “spin-off” корхона ташкил этилди. Яъни университетда яратилган билим ва технология энди фақат лаборатория ёки илмий иш доирасида қолмай, бозор талабига жавоб берадиган маҳсулот ва хизматга айланиш йўлига чиқмоқда.

Муҳими, бу жараён келажақ учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Университет томонидан яна 15 та шундай турдаги корхона ташкил этиш режалаштирилган. Улар орасида водород газ технологиялари, дроңлар ишлаб чиқариш ҳамда Бухоро туризм соҳаси учун “ҳалол туризм” стандартлари бўйича қисқа мuddатли ўқув курслари каби истиқболли йўналишлар мавжуд.

Шунингдек, инновациялар соҳасига ҳам алоҳида ўрн ақратилляпти. Университетда илмий салоҳиятни айнан шу мезон асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳусусан, илмий салоҳиятни ҳудуд тараққиётига йўналтириш долзарб вазифалардан. Бугунги кунга қадар университет олимлари томонидан 100 дан ортиқ ихтиро яратилган бўлиб, уларнинг 40 га яқини Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожига хизмат қилади.

Бундан ташқари, жараёни янада тизимли ташкил этиш мақсадида университетда 1200 дан ортиқ муаммони қамраб олган “Муаммолар банки” шакллантирилган. Ундаги реал



муаммолар магистр ва докторантларнинг илмий изланишлари учун мавзу сифатида белгилаб олиниб, илмий тадқиқотни амалий эҳтиёж билан боғлаш имконини бермоқда.

Глобаллашув даврига келиб, университетларнинг халқаро майдондаги ўрни уларнинг нечта хорижий ҳамкорга эга экани билангина эмас, ушбу ҳамкорликлар таълим, илм-фан ва талабалар келажақига қандай реал имкониятлар яратаяётгани билан белгиланади. Бухоро давлат техника университети учун халқаро ҳамкорлик ҳам айнан шундай мазмунга эга. Яъни бу илгор билим ва замонавий технологияларни ҳудудга олиб кириш, маҳаллий илмий салоҳиятни жаҳон илм-фани билан боғлаш ҳамда талабаларни глобал таълим маконига олиб чиқиш имкониятидир.

Бугунги кунда университетнинг илмий-таълимий ҳамкорлик географияси Малайзия, Германия, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Болгария, Қозғистон, Украина, Руминия, Индонезия, Буюк Британия, Хитой, Италия, Венгрия, Бельгия, Латвия ва Беларусь каби давлатларни қамраб олган. Улар қўшма илмий тадқиқотлар, академик алмашинувлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун халқаро таърибга, замонавий технологияларни ўзлаштириш ҳамда ёш олимлар учун янги илмий имкониятлардан иборат.

Университетда хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 40 дан ортиқ йўналишда қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилган. Жумладан, “2+2” дастурлари

доирасида талабалар дастлабки икки йилни Бухоро давлат техника университетида, кейинги икки йилни эса ҳамкор хорижий университетда давом эттириш имкониятига эга.

Магистратура босқичидаги “1+1” дастурлари 22 та йўналишда талабаларга халқаро таълим таърибасидан фойдаланиш имконини бермоқда. Шунингдек, 4,0 масофавий таълим модели талабаларнинг таълим олиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Яъни талабалар тўрт йиллик бакалаврият таълимини ўзига қулай шартит ва замонавий рақамли имкониятлардан фойдаланган ҳолда масофавий шаклда давом эттириши мумкин.

Бундай дастурлар талабанинг фақат бошқа мамлакатда таълим олишини эмас, балки турли таълим тизимлари, илмий мактаблар ва профессионал муҳит билан танишишнинг таъминлайди. Халқаро стандартлар асосидаги таълим, хорижий профессорларнинг ўқув жараёнига жалб этилиши, замонавий методикалар ва амалий таърибларнинг уйғунлашуви эса мутахассис тайёрлаш сифатида бевосита таъсир кўрсатади. Айрим дастурлар доирасида Ўзбекистон ва хорижда тан олинган икки дипломага эга бўлиш имконияти ҳам яратилаётгани талабаларнинг халқаро меҳнат бозоридagi рақобатбардошлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Олийгоҳда масофавий таълим шакллари ривожлантирилиши талабага таълим жараёнини ўзига қулай шартитда давом эттириш имконини бериб қолмоқда. Бу эса таълимни фақат

аудитория билан чеклаб қўймасдан, замонавий технологиялар орқали янада мослашувчан ва очик тизимга айлантиришга хизмат қилляпти. Замонавий университетнинг вазифаси фақат халқаро ҳамкорлар сонини ошириш ёки хорижий таълим дастурларини жорий этиш билангина чекланмайди, албатта. Таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш ҳам муҳим. Аудиторияда олинган билим ишлаб чиқариш жараёнида синоддан ўтганида, лабораториядаги илмий гоя реал муаммага ечим берганида ва инновацион ишланма амалий лойиҳага айлантириш имкониятига эга бўлади. Натижада университет ва ишлаб чиқариш ўртасидаги масофа қисқармоқда.

Сир эмаски, юртимизда инклизив муҳитни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг таълим олиши, замонавий касбларни эгаллаш ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун тенг шартитлар яратиш муҳим йўналишлардан биридир.

Мазкур жараёнинг амалий ифодасини университетимизнинг “Хотин-қизлар ва ёшлар учун АТ ва муҳандислик инклизив таълим маркази” фаолиятига ҳам кузатиш мумкин. Маркази 20 дан ортиқ замонавий касб-ҳўнар ва АТ йўналишлари бўйича тўғрақаралар фаолият юритади. Бугунги кунда уларда 200 дан зиёд талаба ва маҳалла ёшлари билим ва амалий кўникмаларини ривожлантирмоқда.

Бу ерда ёшлар фақат компьютер ёки технологияни ўрганмайди. Улар ўзига ишонч, мустақил фикрлаш, касбий кўникма ва келажақ учун аниқ йўналиш топмоқда. Натижа эса эътиборга молик: бугунга қадар 80 нафар тинловчи ўқувларни муваффақиятли тамомлаб, тегишли сертификатларга эга бўлди.

Бухоро давлат техника университетида айнан шу мақсадга хизмат қилувчи муҳит қарор топган. Замонавий таълим, илмий тадқиқотлар, халқаро ҳамкорлик, инновацион лойиҳалар, ишлаб чиқариш билан интеграция ва тадбиркорлик имкониятлари ёшларни билим олувчилик — билим яратувчига, гоя эгасидан — инноваторга, талабадан — бунёдкорга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Зеро, университетда яратилаётган имкониятлар фақат бугунги кун учун эмас. Уларнинг ҳаққини самараси йиллар ўтиб, янги корхоналар, янги технологиялар, иш ўринлари, илмий кашфиётлар ва талабаларимизнинг ҳар томонлама етуқ қадрлар сифатида мамлакатимиз тараққиётига қўшадиган хиссасида намоён бўлишига ишончимиз комил.



Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан юртимиз бўйлаб “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остида “Мустақиллик тўйи” фестивали кенг нишонланмоқда. Байрам тадбирлари халқимиз бирдамлигини, тинчлик ва мустақиллик қадрини улуглаш, миллий қадриятларимиз ҳамда бой маънавий меросимизни тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалнинг навбатдаги манзили Сурхондарё вилояти бўлди.



Феруза МУҲИДДИНОВА,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти аъзоси

“Маърифат” тарғиботчилари сафида ушбу тадбирларда иштирок этар эканмиз, Сурхон элининг меҳмондўстлигига, шунингдек, юртдошларимиз қалбидаги Ватанга садоқат ва дахлдорлик туйғусига бевосита гувоҳ бўлдик. Ҳар бир учрашув, ҳар бир суҳбат бу днёр одамларининг руҳи нақадар бақувват эканини яна бир бор кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган фестивал май-сентябрь ойлари давомида 208 та туман ва шаҳар марказларида, “Янги Ўзбекистон” массивларида ҳамда

Тарихни буюк инсонлар яратади. Келажакни эса уларнинг изидан борадиган ёшлар барпо этади. “Миллат фидойилари” лойиҳаси ана шундай инсонларнинг ҳаёт йўли, меҳнати ва Ватан равнақи йўлидаги хизматларини ёш авлодга етказишни мақсад қилган.



Сурхон воҳасида ЭНГ УЛУҒ ШОДИЁНА

8902 та маҳаллада давом этмоқда. Сурхондарё вилоятида эса фестиваль тадбирлари 5-7 август кунлари ўтказилди.

Тадбирлар “Мустақиллик марафони” билан бошланди. Бу юриш масофани эмас, балки мақсад бирлигини кўрсатади. Сароисё туманидаги аэропортдан то Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини арқасига қадар давом этган тантанали юришда зиёлилар, ҳарбийлар, ёшлар, спортчилар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Бугунги ёшлар интернет орқали дунёни кўрмоқда. Аммо Ватанни ҳимоя қилиш масъулиятини фақат ҳаётнинг ўзи ўргата олади. Шу боис, фестиваль дастуридан ўрин олган “Шижоат” лойиҳаси Сароисё ва Денов туманларидаги ҳарбий қисмларда ташкил этилди ҳамда унда ҳарбий хизматчилар ва оила аъзолари фаол иштирок этди.

Тарихни буюк инсонлар яратади. Келажакни эса уларнинг изидан борадиган ёшлар барпо этади. “Миллат фидойилари” лойиҳаси ана шундай инсонларнинг ҳаёт йўли, меҳнати ва Ватан равнақи йўлидаги хизматларини ёш авлодга етказишни мақсад қилган. Лойиҳа доирасида фестиваль иштирокчилари Ўзун туманида кўп йиллар таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилган устозлар ҳолидан хабар олди. Оқсоқоллар ёш авлодга оқ фотиҳа бериб, юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, фарзандларимиз илмли ва ватанпарвар бўлиб қолсин.

Тумандаги Шабнам маҳалласининг ўзида 4 профессор олим, 120 педагог ва 20 дан ортиқ шиғокор истиқомат қилади. Улар аҳоли билан бирга маҳалла ёшларига ҳам устоз, ҳам намуна вазифасини ўтаб, янги авлодни тарбиялашда фидойилик кўрсатмоқда. Маҳалла обод. Замонавий, кўп қаватли уйлар ва меҳмонхоналар Улар аҳоли билан бирга маҳалла ёшларига ҳам устоз, ҳам намуна вазифасини ўтаб, янги авлодни тарбиялашда фидойилик кўрсатмоқда. Маҳалла обод. Замонавий, кўп қаватли уйлар ва меҳмонхоналар

Ёш авлод билан учрашув фестивал марказий ғояларидан бири бўлди. Ўзун туманидаги “Жануб гавҳари” соғломлаштириш



оромгоҳида ўтказилган “Янги Ўзбекистоннинг бахтиёр болалари” лойиҳаси ўғил-қизларга дам олиш билан бирга илҳом, қувонч ва ижодга рағбат улашди.

Сунъий интеллект асрида билимга эҳтиёж янада ортмоқда. Ахборотни интернет беради, аммо тафаккурни китоб шакллантиради. Маънавият тарғиботчилари Сароисё туманидаги Лутфкор маҳалласида жойлашган кутубхона фаолияти билан танишди. Бу масканда кечган мулоқотларда китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни, илм ва маърифатнинг жамият тарққиётини аҳолияти асосий мавзу бўлди. “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси Шаҳло Ахророва китоб инсон маънавиятининг таянчи, ёшларни мутолаага ундаш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан экани ҳақида сўз юритди.

Зиёратгоҳлар нафақат тарихий ва муқаддас хотира, балки инсон қалбини

эзулик, маънавий юксалиш ҳамда чуқур тафаккурга етаклайдиган тарбия масканидир. Фестиваль доирасидаги ўзига хос “Зиёрат одоби” лойиҳаси табаррук масканларнинг озодалигига ҳисса қўшиб, зиёратгоҳ муҳити ва бошқа зиёратчилар билан маданий муносабатда бўлиш ҳар бир фуқароннинг маънавий масъулият эканини эслатади. Лойиҳа доирасида тарғиботчилар аввал Сароисё туманидаги “Дехқаландар” қабристониди, сўнг Шеробод туманидаги Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий зиёратгоҳида бўлди. Иштирокчиларга “Зиёрат одоби” номли махсус қўлланма тарқатилди. Шунингдек, “Маърифат тур” лойиҳаси доирасида диққатга сазовор масканларга саёхатлар уюштирилди.

Обод ва аҳил маҳалла фаровон жамиятнинг мустаҳкам пойдевори. У — меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, бирдамлик

ва ҳамжиҳатлик қарор топадиган ҳаёт мактабидир. Шу боис, “Обод хонадон — обод маҳалла” лойиҳаси нафақат худудларни ободонлаштириш, балки одамларда дахлдорлик туйғусини қучайтириш ва фуқароларнинг ўз яшаш маскани ободлиги учун масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзун туманидаги Янги рўзгор маҳалласида кечган маънавий мулоқотлар айни мулоҳазалар атрофида бўлди. Маҳалла фаоллари ободонлаштириш ишлари одамларни яқинлаштиргани, қўни-қўшничилик ришталарини мустаҳкамлагани ҳамда фуқароларда ўз маҳалласига нисбатан масъулият туйғусини оширганини мамнуният билан қайд этди. Бу маҳаллада фарғоналиклар томонидан узузморлар барпо этилган бўлиб, маҳалла йўлакларига турли узумлар пишиб, атрофга ўзгача чирой бағишламоқда. Ҳар бир хонадон аҳли узумчилик ортидан даромади яхшиланганини ҳамда қўшни давлатларга экспорт йўлга қўйилганини таъкидлар экан, уларнинг қўзида қувонч, эртанги кунга ишонч балқиб турарди.

Фестивалнинг биринчи кунни якунида Денов туманидаги ҳарбий қисмда гала-концерт бўлиб ўтди. Тадбирда олимлар, адиблар, шоирлар, санъат намояндлари, “Маърифат” тарғиботчилари, ҳарбий ҳизматчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Байрам давомида Ватанга муҳаббат, тинчлик ва бирдамликни улугловчи куй-қўшиқлар, бадий чиқишлар ҳамда миллий санъат намуналари намойиш этилиб, йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Иккинчи кунни Жарқўрғон туманидаги ҳарбий қисм маданият марказида “Умуммиллий бирдамлик” лойиҳаси ўтказилди. У турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, бағрикенглик

ва ижтимоий ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

“ЭтноСурхон” фольклор ва миллий ўйинлар фестивали воҳадаги тадбирларнинг кўтаринки намойиши бўлди. Бойсун туманидаги Бибишарин маҳалласида жойлашган “Бойсун баҳори” туризм мажмуаси амфитеатрида вилоятнинг 15 тумани ва шаҳридан келган фольклор-этнографик дасталарнинг чиқиши, бахшичилик санъати танлови ҳамда миллий халқ ўйинлари ташкил қилинди. Ушбу тадбир Сурхоннинг чинакам руҳиятини намоён этди. Кечки галаконцерт ҳам “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остида мазкур мажмуада давом этди.

Учинчи кун Термиз шаҳрида “Маҳалла — маънавий макон” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ангор туманида эса “Яхшилик қарвони” лойиҳаси доирасида кескалар, нуронийлар ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинди.

Фестивалнинг “Шукроналик” лойиҳаси инсоний қадриятлар ва меҳр-оқибатнинг ёрқин ифодасига айланди. Лойиҳа доирасида бир гуруҳ санъат намояндлари Ангор туманининг Таллимарон маҳалласида истиқомат қилувчи, муборак 101 ёшни қаршилаган Марзия момо Ҳамроева хонадониди бўлди. Онахонинг ҳолидан хабар олинди. У билан самимий суҳбат қўрилди. Ватан ва тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этилиб, момога эсдалик совғалар топширилди. Мазкур таширғиб нуронийларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятдаги муносиби ўрни ва хизматларини эътифдор этиш, халқимизнинг меҳр-оқибат ҳамда шукроналик қадриятларини кенг тарғиб этишга хизмат қилди.

Ўнлаб олис манзиллар, ўндан ортиқ ижтимоий лойиҳалар, минглаб иштирокчилар... Буларнинг барчасини бирлаштириб турган ягона ғоя бор: “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!”. Мустақиллик — фақат бир кун нишонланадиган сана эмас. У ҳар кунни меҳнат, бирдамлик, маърифат ва ватанпарварлик билан мустаҳкамланадиган бебаҳо қадриятдир. Сурхондарёда бўлиб ўтган “Мустақиллик тўйи” фестивали ана шу ҳақиқатни яна бир бор намоён этди.

Дилдаги гаплар



“Мустақиллик” сўзи замирида озодлик, миллий ғурур, муқаддас Ватан, тинчлик ва халқнинг бахтли келажакни мужассам. Жорий йилда мамлакатимиз истиқлолнинг 35 йиллигини юксак шукух, чексиз ифтихор ва катта ютуқлар билан қарши олмақда. Бу тарихий сана ҳар бир юртдошимиз қалбидида Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат ва эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамлайди.

Ҳар қандай давлатнинг қудрати, аввало, фуқароларидаги ватанпарварлик туйғуси билан ўлчанади. Юртини севган инсон унинг тинчлиги учун меҳнат қилади, равнақи учун курашади, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик ҳар қандай бойликдан устун турадиган маънавий фазилатдир.



Абдуҳамид АЛЛАЯРОВ,
Ички ишлар вазирлиги
қоровул қўшинлари ҳарбий
хизматчиси

Бугун янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳар бир босқичида инсон қадрни, қонун устуворлиги, миллий манфаат ва давлат хавфсизлигини таъминлаш асосий вазифа сифатида белгиланмоқда.

Бу йўлда ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, чегарачилар ва халқимиз бирлашиб, хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва муҳофаазасини янада мустаҳкамлашга бағишланган кенгайтирилган йиғилишида бугунги мураккаб геосиёсий шароитда миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш ҳамда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устувор вазифаларидан бири эканини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, миллий қадриятларга садоқат ва Ватанга муҳаббат туйғусини ёшлар қалбига синдириш мамлакат хавфсизлиги ҳамда барқарор тараққиётининг муҳим омил экани қайд этилди. Бу эзгу ғоялар ҳар биримизни Ватан олдидаги муқаддас бурчини сидқидидан адо этишга ундайди.

Бугун дунё ахборот майдонида кескин рақобат кечмоқда. Турли ёт ғоялар ёшлар онига таъсир ўтказишга интилаётган бир шароитда ўғил-қизларни мустақил фикрлайдиган, маънавий иммунитетни кучли, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган шахс



этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Мазкур вазифани бажаришда оила, маҳалла, таълим муассасалари ва ҳарбий жамоаларнинг ҳамжиҳатлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳарбий хизмат — шунчаки юмуш эмас. Бу Ватан олдидаги муқаддас қасамёда

содиқ қолиш, халқ ишончини оқлаш ва юрт тинчлиги учун доим шай туриш дегандир. Ҳарбийга энг катта муқофот



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2026 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846. 29345 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Ойсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова Мусахҳх: Маллоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй ЎзА якуни — 20:45 Топширилди — 23:10
Кабулхона: (71) 233-56-33 Эълолар бўлими: (71) 233-70-98	E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05	Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60	“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.	